

Талаба Малак Шалаби ҳижобда битирув кечасига бормоқчи



14:00 / 08.06.2021 2153

Вашингтон университетининг ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олган талаба битирув кечасида биринчилардан бўлиб ҳижоб либосида иштирок этади. Бу ҳақда [islam.ru news](http://islam.ru/news) хабар беради.

«Кўп йиллар давомида университетда ҳижобда юрган бирорта битирувчини кўрмаганман ва буни айнан мен қилишга қарор қилдим», - дейди 23 ёшли Малак Шалаби. Шалаби 2021 йилда Вашингтон университети юридик факультетининг 170 нафар аспирантларидан биридир.

Маросим олдидан Шалаби собиқ битирувчилар билан ижтимоий тармоқ орқали боғланиб, кутубхоначидан ва университет маъмуриятидан ҳижоб кийган бошқа мусулмон битирувчилари ҳақида маълумот сўраган.

«Менинг диним, албатта, бутун ҳаёт амалиётимни бошқаради. Аммо бу менинг ривожланишимни ҳеч қандай тарзда чекламайди», - дея қўшимча қилди Малак Шалаби.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси